Ушбу сонда:
2 ФИДОЙИЛИК – ОЗОДЛИККА ЭРИШГАН ХАЛҚНИНГ БИРИНЧИ ХИСЛАТИ
3 ҚАРЗЛАР ҚАЙТАРИЛМАЙ ҚОЛИНИШИДА КИМЛАР АЙБДОР?
4 БИЗ КИМ... АМИР ТЕМУР АВЛОДЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 19 феврал, жума №26 (673)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

**18 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг (ХТТБ) молия ва хусусий секторни ривожлантириш департаменти директори Лаёш Бокрос раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ХТТБ ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётгани ҳамда ушбу халқаро молиявий муассасанинг мамлакатимизга қизиқиши тобора ортаётганидан мамнуният изҳор этди. Биз ХТТБ билан ҳамкорликни қадрлаймиз, бу муассаса билан биргаликда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади, деди жумладан Ислом Каримов.



Ўзбекистоннинг ХТТБ билан ўзаро манфаатли алоқалари ҳар уч йилда янгиланиб турадиган «Ҳамкорлик стратегияси»га асосланади. Бундай ҳужжатнинг биринчиси 1995 йилда ишга тушган эди. Ўтган йилнинг февралида эса ХТТБ 1998-2000 йилларга мўлжалланган янги стратегияни тасдиқлади.

Биринчи ҳужжатда Ўзбекистонда бозор инфратузилмасини шакллантириш, миллий валюта мавқеини мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш бўйича маслаҳатлашув ва кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, молия тизимини ривожлантириш, пахтачилик ишини такомиллаштириш, Оролбўйи аҳолиси орасида қишлоқ санитарияси бўйича тадбирлар ўтказиш ва бошқа муҳим тадбирлар кўзда тутилган эди.

«Ўзбекистон: мамлакатга кўмаклашиш стратегияси» деб номланган янги ҳужжатга ҳам кўплаб лойиҳалар киритилган. Улар орасида хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, молия сектори муассасалари, шаҳар йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта тузиш, кичик ҳажмдаги сармоялар ва микрокредитлар жамғармасини тузиш, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари инфратузилмасини ривожлантириш, коллектор-дренаж тизимини шакллантириш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзаро суҳбат чоғида ана шу лойиҳалар муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов, молия вазири Р.Азимов, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов иштирок этди.

Қабулда Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Д.Пирс ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Пойтахтимиз Тошкентда террорчилар томонидан уюштирилган ёвузлик миллион-миллион касаба уюшмалари вакилларининг қалбини, вужудини ўртади, ғазабга солди. Сизнинг азиз жонингизга қилинган суиқасд бутун ўзбек халқига, миллатимизга, юрт истиқболига қилинган тажовуз деб биламиз. Бегуноҳ одамлар умрига зомин бўлган, халқ тавқи лаънатига учраган, қора кучлар шукроналар бўлсинким, маъшум ниятларига етолмади. Ўта қалтис, тахликавий кезларда Сиздаги метин ирода, шижоат «Мен учун энг муҳими халқимнинг омонлиги, тинчлиги. Керак бўлса халқим учун жонимни беришга тайёрман», деган оташнафас сўзларингиз қалбимизга малҳам бўлди, руҳимизни кўтарди, иродамизни мустаҳкамлади.

Ғанимлар билиб қўйишсинки, террор, суиқасд билан ўзбек халқини асло енгиб бўлмайди. Биз ҳам Сиздек ғамхўру соябонимизни жондан ортиқ кўрамиз. Ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам содиқ қолиб, Яратгандан Сизга узоқ умр, соғлик омонлик тилаймиз. Ватан равнақи, халқ бахт саодати йўлидаги ишларингизда ҳамиша мададкормиз.

Биз - касаба уюшмалари вакиллари ўз инсоний, виждоний бурчимизни адо этиб, террорчиларнинг ёвузлиги оқибатида қурбон бўлганлар ҳурматини жойига қўямиз, уларнинг оилалари, фарзандларига моддий, маънавий мадад кўрсатамиз.

Ёвузлар албатта ўз жазоларини оладилар. Истиқлолимизнинг музаффар карвони дадил одимлайверади. Бизнинг юрагимиз Сизнинг юрагингизга туташдир. Зеро Ватанга, демакки, Йўлбошчимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимиз, садоқатимиз, фидойилигимиз бизни ҳар қандай балоқазодан асрайди. Халқимиз, Истиқлолимиз бахтига азиз бошингиз омон бўлсин!

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

1999 йил 18 феврал

## БАХТИМИЗ ИМОРАТИ МУСТАҲКАМ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг навбатдан ташқари кенгайтирилган Раёсат йиғилиши иштирокчилари халқимизнинг музаффар одимлари, истиқболини кўролмаган террорчиларнинг Тошкент шаҳридаги жинояткорона ҳаракатларини қаттиқ қораладилар. Сўзга чиққанлар таъкидлаганларидек, Оллоҳ назар қилган юртимизда ғанимлар шум ниятларига етолмадилар. Фидокор халқимиз ўз Йўлбошчиси каби матонатли, босиқ, мулоҳазали эканини кўрсатди.**

**Йиғилишни Федерация кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова олиб борди.**

- Очиғини айтганда, кейинги пайтларда биз анчайин лоқайд бўлиб қолган эканмиз,-дея фикрини ифодалади «Тошмаргёғ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Мирзаҳусан Зуфаров.- Давлатимиз раҳбари уқтираётганларидек, қуёш чарақлаб турган мусаффо осмон ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Корхонамиз ишчилари қалтис паллада тинч турмушнинг қадрини қалбдан ҳис қилдилар.

Биз ўз Президентимизни жондан севамиз. Юртбошимизга қилинган суиқасд Ўзбекистонимизга, истиқлолимизга қилинган тажовуз деб биламиз. Фавқулодда вазиятда юртбошимизнинг мардлиги, жасурлиги, халққа таскин берганлиги қалбимизга малҳам бўлди. Истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаймиз. Танлаб олинган йўлдан бизни ҳеч ким қайтара олмайди.

«Сифат» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Валерий Сколотанинг дил сўзларида кўнгилсиз воқеалардан тўғри хулоса чиқариш, қалб фалажи бўлмиш лоқайдлик касалидан қутилиш каби масалалар алоҳида ажралиб турди.

-Дунёдаги нотинч воқеалар, хусусан, Афғон фожеаси, Тожикистон мусибатлари бизни ҳушёр торттириши лозим,- деди у.- Давр ҳар биримиздан ҳушёрликни, қатъиятликни, фидойиликни талаб қилмоқда. Ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга асло бефарқ бўлмайлик. Ножўя ишларни кўриб кўрмасликка олиш қимматга тушиши мумкин.

Ҳозирги кунда касаба уюшмалари вакиллари маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, тарғибот ишларини фаол олиб боришлари лозим. Ёшларни анъаналар руҳида тарбиялаш, ижтимоий ҳимояни намунали йўлга қўйиш, хайрли ишларга бош-қош бўлиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидандир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг террорчиларнинг жинояткорона ҳаракатлари оқибатида оламдан кўз юмган кишилар оиласига моддий ва маънавий мадад кўрсатиш хусусидаги таклифини қўллаб-қувватлайман.

Ислом дини одамларни доимо яхшиликка, эзгуликка чорлайди. У маънавиятимизни юксалтириш, миллий анъаналаримизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бироқ, йиғилишда таъкидланганидек, ваҳобийлик каби оқимлар ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Унинг тарафдорлари фуқароларни тўғри йўлдан чалғитмоқда. Бундай кучларга нисбатан қатъий курашиш лозим.

- Президентимизнинг «Мен учун энг муҳими халқимнинг омонлиги, тинчлиги. Керак бўлса халқим учун жонимни беришга тайёрман», деган оташнафас сўзлари қалбимдан чуқур жой олди,- дея фикрини ифодалади Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси Мирзоҳид Содиқов. - Мустақиллик пойдеворини янада мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик, осойишталик барқарор бўлиши учун барчамиз масъулмиз. Мутаассиб ақидапарастлар ва динимизга бегона оқимларга нисбатан лоқайд бўлишга ҳаққимиз йўқ. Танлаб олинган йўлда доимо собитқадам туриб, Ватанимиз осойишталигини сақлаш, юртимизда тинчликни барқарор этишдек муқаддас ишга доимо содиқмиз.

Раёсат йиғилишида касаба уюшма вакиллари И.Абдуғаниев, Л.Жалолова, Р.Водовозова, Т.Назиржонов, Б.Тожиев, К.Переверзев, М.Султонов ва бошқалар сўз олиб истиқлолимизнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга даъват этдилар. Касаба уюшмалари қора кучларнинг жинояткорона ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлган, жабрланган фуқароларнинг оиласи, фарзандларига инсонийлик ёрдамини кўрсатишда асосий рол ўйнаши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш аҳли 16 феврал куни содир этилган фожеаларда ҳалок бўлганлар оилаларига юз минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги таклифни бир овоздан маъқуллади.

Раёсат йиғилиши иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номига эзгу ниятлар битилган мактуб йўлладилар.

**Мирғиёс ҚАЮМОВ.**

## ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент Жаноблари!

Америка халқи ва мен кеча республиканингиз пойтахти - Тошкент шаҳрида юз берган портлашлар ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда оғир қайғуга ботдик. Биз фожеали ҳалок бўлган кишилар оиласига чуқур таъзия билдирамиз.

Сайёрамизнинг ҳар бир бурчагида тинчликпарвар кишилар терроризмни қаттиқ қоралайди ва унга қарши курашади. Жароҳат олганларнинг барчасига уларнинг тезда соғайиб кетишини, бутун Ўзбекистон халқига эса ўз оилам ва халқим номидан йўллаётган энг эзгу тилакларимни етказишингизни сўрайман.

**Камоли эҳтиром ила,**
**Уильям Ж. КЛИНТОН,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент жаноблари!

Мен Тошкентда юз берган ҳамда аҳоли ўртасида кўпгина қурбонларга сабаб бўлган қабиҳ суиқасд ҳақида ҳозиргина хабар топиб, қайғуга ботдим.

Франция аҳли бундай жиноий ҳатти-ҳаракатларни қаттиқ қоралайди ҳамда мамлакатингизда юз берган мудҳиш жиноят туфайли уйғонган ташвиш ва қайғуга шерикдир.

Сиздан ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига менинг чуқур таъзиямни ҳамда жароҳатланганларнинг тезда соғайиб кетишини тилаб, билдирган ниятларимни етказишингизни сўрайман.

Президент жаноблари, Сизга нисбатан ҳамиша юксак бўлган эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Жак ШИРАК,**
**Франция Республикаси Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Азиз қардошим!

Тошкентда рўй берган мудҳиш воқеалар ҳақидаги хабарни эрталаб эшитдим ва қайғуга ботдим. Бу террорчилик хуружини қоралаб, Сиз Зоти олийларининг оқилона раҳбарлигингиз остида Ўзбекистондаги барқарорлик ва фаровонликка путур етмаслигига ишончим комил эканлигини яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Сиз Зоти олийларига, Ўзбекистон халқига ҳамдардлик билдираман.

**Сулаймон ДЕМИРЭЛ,**
**Туркия Жумҳурияти Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Қадрдон дўстим!

Бўлиб ўтган воқеаларни ўзингизга хос донишмандлик, матонат билан қабул этганингизга шубҳам йўқ. Сиз пировард мақсадга эришмоқ муқаррарлигига қатъий ишонган инсонсиз. Сизни бу йўлдан қайтармоқчи бўлганлар, хусусан, қўрқитиб қайтармоқчи бўлганлар, овора бўлишади. Мен Сизни давр ўзи олдимизга қўйган муаммоларни бутун мураккабликлари билан теран идрок этадиган доно, Ўзбекистоннинг истиқлол ғоясига содиқ, ватанпарвар давлат арбоби сифатида биламан ва ҳурмат қиламан. Ниятим шу: бардам бўлинг, омадингизни берсин!

**Сапармурод НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Тошкент шаҳрида рўй берган ёвуз террорчилик ҳатти-ҳаракати ҳақидаги хабарни эшитиб ташвишга тушдим, ғазабландим.

Аминманки, ушбу жинояткорона ҳатти-ҳаракат ташкилотчилари ва ижрочилари разил ниятларига - барқарорликни издан чиқариш, қардош Ўзбекистонни танлаган йўлидан қайтаришга эриша олмайдилар.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сиз билан бирга эканлигимизни, сизларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигимизни маълум қилмоқчиман.

Ўзбек халқига сабр-тоқат, бардамлик тилайман.

Ҳалок бўлганларнинг қариндошларига, яқинларига ҳамдардлик билдираман.

**Ҳайдар АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Тошкентда рўй берган террорчилик ҳатти-ҳаракати ҳақидаги хабарни эшитиб, қалбим ларзага тушди.

Азиз бошингизни ўзи паноҳида асрагани учун мен, бутун қирғиз халқи Яратганга шукроналар айтамиз.

Ҳалок бўлганларнинг қариндошлари, яқинларига ҳамдардлик билдираман.

Қардош Ўзбекистон заминида бундай қабоҳат такрорланмаслигини Яратгандан ўтиниб сўрайман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мусибатли дамларда биз Сиз билан, ўзбек халқи билан биргамиз.

**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**

## ҲИСОБ РАҚАМИ ОЧИЛДИ

Тошкентда 1999 йил 16 февралда содир этилган фожиали воқеалар муносабати билан идоралар, муассасалар, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, хайрия ташкилотлари, фуқаролардан шаҳид кетганлар оилалари ва жабр кўрганларга моддий ёрдам кўрсатиш истаги билдирилган кўпдан-кўп таклифлар тушмоқда. Бу таклифлар ҳисобга олиниб, «Ўзуйжойжамғармабанк» давлат акционерлик банкининг Меҳнат бўлимида махсус хотира ҳисоб рақами очилди.

Идора, ташкилот, муассасалар, фуқаролар ўз маблағларини қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари мумкин:

Ўзбекистон давлат акционерлик «Уйжойжамғармабанк»нинг Меҳнат бўлими, ҳисоб рақами 20204000300101163002, МФО 00423.

**(ЎзА)**

## ОНГ ВА ТАФАККУРНИ ЎЗГАРТИРИШ ЙЎЛИДА

«XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаяпмиз. Биз ана шу олийжаноб мақсадларни одамлар қонига сингдириш учун ҳаракат қиляпмиз. Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга бахшида этса, билингки, одамзод ёруғ кунларга эришиши муқаррар!»

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ушбу теран фикрлари яқинда нашрдан чиққан «Баркамол авлод орзуси» номли китобдан олинди. Бу китобда эртанги кун эгалари - янги авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашнинг аниқ йўл-йўриқлари, шу мақсадда амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар белгилаб берилган.

Айни кунларда юртимизнинг турли гўшаларида бу муҳим қўлланманинг тақдимот маросимлари, китоб мазмунини атрофлича ўрганишга бағишланган йиғинлар бўлмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрида ва ўнлаб туманларда бўлиб ўтган суҳбатларда Республика Президенти девонининг масъул ходимлари, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари мутахассислари Юртбошимизнинг китобдан ўрин олган нутқ ва мақолалари, суҳбат ва мактубларининг туб моҳиятини ўқитувчи ва ўқувчиларга атрофлича тушунтирдилар, йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Мулоқотлар давомида 16 феврал куни Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатларига ҳам муносабат билдирилди. Юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик, яратувчилик меҳнатига тажовуз қилган кимсалар бир овоздан қораланар экан, бундай ёвуз кучлардан ғафлатда қолмаслик ҳақида Президентимиз аввалдан огоҳлантириб келгани эътироф этилди. Хусусан, янги китобдан жой олган, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири саволларига берган жавобларида Юртбошимиз қуйидаги фикрларни билдирган эдилар.

«Чуқурроқ мулоҳаза юритиб қарайдиган бўлсак, шу ҳолни кўрамизки, Ўзбекистон дунёдаги етакчи давлатларнинг, турли-туман сиёсий кучларнинг бир-бирига зид манфаатлари ўзаро муттасил тўқнашиб турадиган бир майдонда жойлашган. Биз буни истаймизми-йўқми, тарих, тақдир тақозоси шундай. Юртимиздаги беҳисоб табиий бойликлар, унинг геостратегик шароити жаҳонда бизга нисбатан фақат хайрихоҳлик ёки ҳавас туйғусини эмас, балки ҳасад, қора ниятларни уйғотиши ҳам сир эмас».

Кўринадики, Президентимиз асарлари жамланган бу китоб замондошимизга ҳам йўл кўрсатувчи, ҳам уни қийнаган кўплаб саволларига жавоб берувчи, ҳам яхши-ёмон ишлардан огоҳ этувчи қимматли манбаадир.

**(ЎзА)**

# ФИДОЙИЛИК — ОЗОДЛИККА ЭРИШГАН ХАЛҚНИНГ БИРИНЧИ ҲИСЛАТИ

## *Ўзбекистон халқига, Республика Президенти Ислом Каримовга*

***Азиз ватандошлар!***
***Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!***

***Дўст бошга ташвиш тушганда синалади, дейди доно халқимиз. Асрларга татигулик қисқа вақтда ўз қаддини тиклаб, жаҳонга танилган, тенглар ичида тенг бўлиб, тинчлик ва барқарорлик муҳитида буюк келажак биносини дадил қураётган халқимизнинг музаффарона одимини кўролмаётган бахиллар, ичи қора ёвуз кучлар ўзининг чиркин башарасини кўрсатди. Панада ётган, четдан писиб келган ёвузлар қадрли Президентимизнинг азиз жонига қасд қилиб, тараққиётимизни бўғмоқчи, тарих ғилдирагини ортга бурмоқчи бўлдилар.***

Шукроналар бўлсинки, Аллоҳ назар қилган юртимизда улар парокандалик туғдириш ниятларига ета олмадилар. Халқимиз ўз йўлбошчиси каби оғир, босиқ, мулоҳазали эканини кўрсатди, ваҳимага тушмади. Бутун қаҳр-ғазабини тинч-фаровон ҳаётимиз душманларига қаратиб, уларга лаънатлар айтмоқда.

Азиз Президентимизни, хайр-баракотли Ўзбекистонимизнинг асл фарзандини, эрксевар, нияти пок йўлбошчисини Худонинг ўзи асради. Этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, қадрли сардоримиз, Сизни Халқдан, Халқни Сиздан ажратиб бўлмайди. Халқ билан бир тан, бир жон бўлиб, бамаслаҳат, ҳамкор, ҳамдард, юрт манфаати, нурли келажаги учун курашиб келаётганингиз аён. Шундай экан, миннатдор халқ Сизни кўз-қорачиғидай авайлаб-асрашга ҳамиша тайёр, Сизга қалқон бўлиб ҳар қандай бало-қазоларнинг олдини олишга шай. Сизга отилган ўқ, халққа отилган ажал тиғидир. Худодан умиди йўқ, шум ният оқпадарлар, уларнинг ҳомийлари кўтарган қўл забунликка маҳкумдир. Фақат кўзларни каттароқ очиб, огоҳ бўлиб, сергак туриш, газандаларни инидаёқ маҳв этиш барчамизнинг бурчимиздир.

Сизнинг шундай фавқулодда вазиятда ҳам ўзингизга хос бўлган мардоналик, жасурлик, фидойилик кўрсатиб халққа таскин берганингиз, зарур бўлса, жондан кечаман дейишингиз, бевақт қурбон бўлган бегуноҳ фуқароларингиз умрига оталарча ачинганингиз, уларнинг оиласи, ёр-биродарларига чинакам ҳамдард бўлганингиз ҳар биримизнинг қалбимизни тўлқинлантириб юборди. Сиз доимо суяниб келган, ҳамиша Сизни қўллаб-қувватловчи барча маҳаллалар аҳли Сиз билан биргадир.

Маҳаллалар ҳалоллик, одамийлик, эзгу ниятлар жўш урган азим дарёки, йўлида учраган хори-хасларни, бахтиқароликни, истаган бахилларни, ҳаром луқмага учган нопокларни бешафқат оқизиб, гирдобига дучор қилишга қодир.

Биз шуни баралла айтамизки, мустақиллигимизнинг жон риштлари Сизнинг ҳаётингиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Сизнинг муборак умрингизга чанг солиш — не-не орзу-армонлар билан етишганимиз Мустақиллик иморатига раҳна солиш билан баробардир. Биз учун ҳозир Сиз Мустақиллик каби энг зарур қадриятга айланиб қолгансиз. Бу қадриятга ғубор қўнмаслиги учун аввало ваколатли ташкилотлар, биз — ҳаммамиз нимаики зарур бўлса, барини қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Шарқда шундай қанотли ибора бор: қутирган ит эгасини қопади. Биз уни ранги оқми, қоралигидан қатъи назар қидириб топиб, жазосини беришимиз керак, карвон ҳидоят йўлида баравж юравериши лозим.

Ҳурматли юртдошлар! Ўзингизга аён: дунёнинг гоҳ бу, гоҳ у нуқтасида, чегараларимизга яқин юртларда ҳунрезликлар содир бўлмоқда, бечора одамлар туну кун қўрқув ва даҳшатда яшамоқда. Мақсадимиз — ҳамма жойда тинчлик бўлсин. Юртимизда ҳукм сураётган осойишта ҳаёт, мавжуд барқарорлик, янги ёшавлодларимизнинг бундан-да гўзал ва фаровон келажагини таъминлаш ҳаммамизни янада сергак, ҳушёр туришимизни, атрофимиздаги воқеаларга бефарқ қарамай, фаолликни оширишимизни тақозо этади. Бу жабҳада Истиқлолнинг тотли ҳавосидан баҳраманд бўлган ҳар бир фуқаро, аввало маҳалла оқсоқоллари, табаррук отахон ва онахонлар, зукко фарзандларимиз чин фуқаролик фазилатларини намоён қиладилар, деб ишонамиз.

Зеро, фидойилик — озодликка эришган ҳар бир халқнинг энг биринчи хислати бўлиши керак. Аллоҳга банда, Пайғамбарга уммат, Давлатга фуқаролик бурчларимизни тўла-тўкис адо этайлик. Бизнинг комилликка эришишимиз ана шу юксак масъулиятни теппа-тенг оқлаб боришимизга боғлиқ.

Истиқлолимиз иморати мустаҳкам, бу қутлуғ иморатнинг Бош меъмори сергак. Уларни кўз қорачиғидек авайлаб асрашга куч-қудратимиз етади, иншооллоҳ!

**Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси**

## Сиз билан биргадир халқ, Ўзбекистон!

*Минглаб ҳамду сано сенга, эй Аллоҳ,*
*Элимга юбординг зўр пушту паноҳ!*
*Карим-саҳоватли, таянчи Ислом,*
*Ҳар бир мусулмоннинг қалбида бу ном!*
*Халқ севгай ким бўлса халқпарвар раҳбар,*
*Сиз миллат фахрисиз, эй олийназар.*
*Сиз дарё, халқ сизга қўшилгувчи сел,*
*Халқ Сиз деб, доимо боғлагайдир бел.*
*Озод ва ҳур диёр лутфингиздан шод,*
*Халқ Сиздан миннатдор эрур умрбод.*
*Йўқ Сиздек ишончли ғамхўр миллатга,*
*Сиз элни элтгайсиз бахт-саодатга,*
*Ватан деб этгайсиз ҳатто жон фидо,*
*Ватан, эл Сиз билан бирга доимо.*
*Ғururли миллатнинг тимсолидирсиз,*
*Элнинг бахт юлдузи, иқболидирсиз.*
*Руҳлангай эл Сизнинг ҳар сўзингиздан,*
*Оғишмай боргайдир Халқ изингиздан.*

**Олимжон БЎРИЕВ.**

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда юз берган мудҳиш воқеалар ҳақида радиодан эшитиб, телевизордан кўриб, қаттиқ ҳаяжонландим. Бу биздаги тинчлик, осойишталикни, бунёдкорликни кўраолмаётган ғаламис, ичиқора кишиларнинг ишидир.

## Ҳушёр ва огоҳ бўлайлик

Мустақил Ватанимизда Йўлбошчимиз раҳбарлигида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини ҳамма кўриб турибди. Бутун дунё бизни тинчликсевар, яратувчи халқ сифатида тан олади.

Мен оддий серфарзанд оилада туғилиб ўсганман. Бу йил тест синовлари асосида Қарши Давлат университетининг талабаси бўлдим. Биз ёшлар ҳар қадамимизда Ватанимиз ғамхўрлиги, ёшларга эътиборни сезиб турамиз. Ғаламис, мустақиллигимизга қарши, қора ниятли кимсаларга айтадиган гапим шу: Ўзбекистон ёшлари мамлакатимиз Президентига ишонади, Юртбошимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан қайтаролмайди. Тошкентда юз берган қўпорувчилик ҳаракатлари ҳаммамизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

**Озода ҒАФФОРОВА,**
**Қарши Давлат университети талабаси**

## ТОКИ ЖИПС ЭКАНМИЗ...

Мустақил Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Андижон заминида ҳам катта-ю кичик юртдошларимиз қабиҳ ниятли кучлар томонидан Тошкентда амалга оширилган разиллик ва қотиллик ишларини бутунлай қораламоқда. Бу борада Шаҳрихон туманидаги «Олтин водий» хўжалиги ғаллачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Содиқжон ака Абдурасулов ЎзА мухбири билан бўлган суҳбатда шундай деди:

— Президентимиз жуда тўғри гапирдилар: кейинги йилларда биз мустақиллик ва озодлик нашидасидан сал бўлса-да бошимиз айланиб, бегамликка, бамайлихотирликка берилиб қолдик. Қўшни мамлакатларда аҳоли тунлари бедор, отишмалардан безовта бўлиб чиқаётган бир пайтда бизнинг халқимиз болачақаси билан осойишта яшамоқда. Очиғи, айримларимиз «Доимо энди ҳаёт шу йўсинда кетаверади, эртанги кунимиз бугунгидан ҳам яхши бўлади, бунинг учун менинг жон куйдиришим шарт эмас», қабилида фикр юритишга ўрганиб бораётган эдик.

Биз тўғри йўлни танлаб, эртанги кунга ишонч билан яшаётганимиз ҳаммага ҳам ёқавермайди. Шундай экан, ҳушёрликни доимо ошириб боришимиз, ёшлар тарбиясига эътибор беришимиз, бизни тўғри йўлдан бошлаб бораётган Президентимиз атрофига янада жипслашишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

## ЁМОНЛАР ЖАЗОСИНИ ОЛАДИ

«Оқтошдон» ҳиссадорлик жамияти аъзолари осойишта ҳаёт неъматидан баҳраманд бўлган ҳолда маҳсулотларимизнинг сифати, харидорбоплиги ва рақобатбардошлилиги ҳақида қайғуриб турганимиз бир палла пойтахтимиз — азим Тошкентда юз берган мудҳиш воқеадан ларзага келдик. Беихтиёр муҳтарам Президентимиз омонмикинлар, деган ўй бутун вужудимизни чулғаб олди. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, у кишини телевидение орқали кўриб, барча шубҳа-гумонларимиз тарқаб кетди.

Демакки, Ўзбекистонимизда тинчлик, осойишталик ва яратувчилик ишлари давом этади. Ўйлаймизки, қабиҳ ниятли ва инсонийлик қиёфасини йўқотган кимсалар тезда топилади ва албатта жазосини олади.

**Бахтиёр БОБОХЎЖАЕВ,**
**«Оқтошдон» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.**



***«Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасини кон металлургия комбинатининг юраги деса бўлади, чунки оғир ишларни бажарадиган автомашина ва тракторларнинг барча эҳтиёт қисмларини таъмирлашдан тортиб, уни қайта ишлашгача бўлган жараёнлар мана шу ерда бажарилади.***

***Яқинда бирлашмада станоксозлик цехининг биринчи навбати қурилиб фойдаланишга топширилди. Цех хориж технологияси билан таъминланган бўлиб, у йилига 500 тага яқин йирик станоклар ишлаб чиқариш имкониятига эга. Айни пайтда бу корхонада тайёрланган дерезерлик станокларни хорижга ҳам экспорт қилиш кўзда тутилган. Бугунги кунда маҳсулотлар ҳамдўстлик давлатларига ва республикамизнинг барча вилоятларига жўнатила бошланди.***

***Суратда: цех бригада бошлиғи Алишер Қўзиев ишчилар билан.***

**С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Ижтимоий ҳимоя*

## ҚАДРЛАСАНГ, ҚАДРИНГ ОШАР

**Бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мос бўлган қийинчиликлар Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлик корхонаси жамоасини ҳам четлаб ўтмади. У ишлаб чиқаришда ҳам, ишчи-хизматчиларнинг турмуш шароитларида ҳам сезилди. Шундай шароитда корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш ва ривожланишни таъминлаш орқали машинасозларни ижтимоий муҳофаза қилишга интилдилар.**

Икки ўртада тузилган жамоа шартномасида бу ўз аксини топди. Унда жамоанинг турмуш шароитларини яхшилаш, ишчи-хизматчиларнинг рўзғорига баҳоли қудрат кўмаклашиш билан боғлиқ бўлган ва ижро муддатлари аниқ бандлар киритилди. Энг муҳими, уларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилди. У ёки бу тадбирни амалга оширишда сусткашлик содир бўлса, уни дарҳол бартараф этиш чоралари кўрилди. Шартнома бажарилишининг бориши вақти-вақти билан махсус комиссия мажлисларида муҳокама қилинди.

Корхона очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлангач, ишлаб чиқаришда, айниқса, ўтган йили сезиларли ижобий силжишлар рўй берди. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулот ҳажмининг олдинги йилдагига нисбатан ўсиш суръати деярли ўн тўрт фоизни ташкил этди. Шуни айтиш кифояки, вилоятдаги мавжуд машинасозлик саноати мажмуига қарашли бошқа бирорта корхона жамоаси бу муҳим кўрсаткич бўйича чирчиқлик машинасозларга яқин кела олмади.

Самарали меҳнат натижасидан олинаётган даромад ва соф фойда миқдори ҳам салмоқли бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағ ажратишни кўпайтириш билан бир қаторда ижтимоий муҳофаза жамғармасини бойитиш имконини бермоқда. Ўтган йили Республикамиз Президентининг ташаббуси билан Оила йили деб эълон қилингани учун жамиятнинг бу бошланғич негизини ғамхўрлик билан қуршаб олишга алоҳида эътибор қаратилди. Оила манфаатлари ҳисобга олиниб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш билан мутассал шуғулланилди.

Наврўз ва Мустақиллик байрамларини кенг нишонлаш жамоанинг яхши анъанаси бўлиб қолди. Бу қутлуғ айёмлар доим муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олинади. Муборак кунларда эса оилавий сайиллар уюштирилади, катта дастурхонлар ёзилади, ош тортилади, ноз-неъматлар билан ясатилган дастурхон атрофида ширин суҳбатлар қурилади. Айниқса, меҳнат ва уруш фахрийлари, корхонада кўп йиллар давомида ишлаб, эндиликда кексалик гаштини сураётганлар, ишлаб чиқариш илғорлари эъзозда. Уларга мукофотлар, совғалар ва бошқа турдаги моддий ёрдам кўрсатилади. Биргина Наврўз байрамини ўтказишга 280 минг сўм сарфланди. Шу куни 15 миллион сўм миқдоридаги мукофот пули барча ишчи-хизматчиларга, муҳандис-техник ходимларга, фахрийларга тарқатилди.

Ўтган йил давомида кам таъминланган ва ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатишнинг турли шаклларидан фойдаланилди. Машинасозлар оилалари ўртасида спартакиада уюштирилди. Унинг ишлаб чиқариш бўлинмаларида ўтказилган бошланғич босқичида ғолиб чиққан етти оила финалда ўзаро беллашди. Унда қуюв цехи жамоаси вакили Сацкихлар оиласи ғолиб чиқди ва қимматли мукофот билан тақдирланди. Охирги босқичда иштирок этган бошқа оилаларга ҳам эсдалик совғалари берилди.

Ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига ҳар доим аҳамият билан қаралади. Ўнлаб машинасозлар санаторий ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тикладилар. Ватан уруши фахрийларидан 12 киши Чирчиқ трансформатор заводи профилакторийсида даволаниш учун бепул йўлланмалар билан таъминландилар. Бошқа кишиларга эса ҳаммаси бўлиб 200 минг сўм пул берилди.

Олинаётган даромад ва фойда ҳажми кўпайгани сари машинасозларга тўланаётган иш ҳақи миқдори ҳам ошириб борилди. Ўтган йилнинг биринчи ярмида у қирқ фоиз ортди, иккинчи ярмида ҳам кўтарилди. Ишчи-хизматчилар маоши миқдори 6200 сўмга етди. Боз устига муҳтож ишчи-хизматчиларга деярли миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Имкони бўлганда уларнинг овқат пули ажратиб турилди. Машинасозлар фарзандларининг ёзги таътили самарали ва мазмунли ўтиши учун ҳам маблағ аямади. Бунга бир ярим миллион сўм сарфланди. Ҳар бир жамоа аъзосига 5 минг сўмдан картошка пули берилди.

Корхонада болалар боғчаси масаласи ҳал қилинган. Унда тарбияланувчиларнинг маънавий дунёси ҳам кенг бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунончи, боғча штатига чет тилидан ва жисмоний тарбиядан дарс берувчи ўқитувчилар ҳам харажатни киритилди. Бунинг учун ҳам харажатни корхона ўз зиммасига олди.

Жамият жамоаси шаҳар миқёсида ўтказилаётган турли хайрия тадбирларида фаол қатнашмоқда. Ўтган йилнинг биринчи ярмида бу масканга 300 минг сўмлик пул ажратилди.

Машинасозларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари кўламининг кенгайиши бесамар қолмаяпти, албатта. Жамоада ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми янада мустаҳкамланмоқда, ишчи-хизматчилар зиммаларидаги вазифалари масъулиятини чуқур ҳис қиладиган ва уни виждонан бажаришга астойдил интиладиган бўлиб қолдилар. Бу албатта,ишлаб чиқаришда янги, янада юқори марраларни эгаллашга хизмат қилади.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ.**

### «ИШБИЛАРМОНЛИК ВА ҲУҚУҚ ҚОМУСИ»

Тошкентда «Ишбилармонлик ва ҳуқуқ қомуси» номли ахборот тизимининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбиркорлар, раҳбар ходимлар, банк хизматчилари, бухгалтерлар, хорижлик сармоядорлар ва бошқа соҳа кишилари учун мўлжалланган бу дастур «Ўрта Осиё халқлари маданияти ассамблеяси»нинг тараққиёт жамғармаси таркибидаги «ОсиёКомСервис» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган.

Дастур тўққиз қисмдан иборат бўлиб, уларда Ўзбекистонда амал қилаётган қонунлар, ҳукумат қарорларидан тортиб, турли банклар, ишлаб чиқариш корхоналари, бошқа ташкилотлар рўйхатигача ўз мужассамини топган. Мўъжазгина дискка жойлаштирилган дастурда Ўзбекистон Республикаси қонунлари мажмуи, жиноят, фуқаро ва меҳнат қонунчилиги, халқаро қонунчилик, қонунлар шарҳи, иқтисодий-ҳуқуқий терминлар луғати ўрин олган. Бундан ташқари, дастурдан ишбилармонлар учун маълумотнома, меъёрий ҳужжатлар намуналари, ҳисоб-китоб ҳужжатларининг турли шаклларини ҳам кўриш мумкин.

«Ишбилармонлик ва ҳуқуқ қомуси»нинг яна бир афзал томони шундаки, унинг ёрдамида исталган маълумотни тез ва қулай топиш мумкин. Шунингдек, дастур муаллифларининг таъкидлашича, маълумотлар мунтазам равишда янгиланиб боради.

/ЎзА/

*«Ишонч»нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси*

## МАҲКУМЛИКДАН МУҲОФАЗА

***Ногиронлик нафақаси қачон ва кимга берилади? Ушбу саволга Наманган шаҳар тиббий меҳнат экспертиза комиссияси раиси Умархон ЮСУПОВ жавоб беради.***

Бу ҳақда батафсил тушунча беришдан олдин ногиронлик масаласи жаҳон миқёсида қандай ҳал этилаётганлиги хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. Дунёдаги барча ривожланган давлатларда шундай бахтсизлик бошига тушган кишиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади ва иложи борича уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари, касалликдан тузалиб олишларига ёрдам кўрсатилади. Меҳнат ва бирон-бир бахтсиз ҳодиса туфайли саломатлиги ёмонлашганлар, касаллик оқибати ёки ақлий етишмовчилик туфайли махсус ёрдамга муҳтож бўлганлар давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олинади. Жумладан, мамлакатимизда ҳам бу борада катта ишлар қилинаётир. Чунончи, истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини, айниқса ногиронларни кучли ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати олиб борилмоқда. Республика Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясидаги маърузасида «Одамларнинг аҳвол, руҳиятидан хабардор бўлиб турайлик, меҳр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир» деган сўзларида кўпроқ ногиронлар, якка-ёлғиз қариялар назарда тутилганлигини яхши англаймиз. Ушбу сўзларнинг нақадар ҳаққонийлигини ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қарорлар ҳам тасдиқлаб турибди. Хусусан, 1995 йилнинг 11 ноябрида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 133-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни реаблитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» ишлаб чиқилган эди.

Айтиш жоизки, илгарилари фақатгина меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб ногиронлик белгиланарди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 июлдаги 328-қарори билан тасдиқланган ногиронликни белгилаш учун кўрсатмалар рўйхатига асосан эса ногиронлик жисмоний ва ақлий етишмовчилик оқибатида ҳаёт фаолияти чекланиб, ижтимоий ёрдам ва муҳофазага муҳтож бўлиб қолган беморларга белгиланади.

Ногиронларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш юзасидан жойларда диққатга сазовор ишлар қилинаётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Жумладан, Наманган шаҳар ҳокимлиги биринчилар қаторида бу савобли ишга қўл урган. Шаҳардаги мавжуд ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган ходим 3-гуруҳ ногиронлигига чиқса, ўша ташкилот ёки корхона уни лозим бўлса, бошқа касб ўрганиш учун ўқишга юборади. 34 киши ёки ундан ортиқ одам ишлайдиган жойларда 3 фоиз меҳнат ўрни ногиронлар учун ажратиб қўйилган. Агар штат қисқартириладиган бўлса, бундай тадбирлар ногиронлар учун тадбиқ этилмайди.

Бу ўринда ногиронлик тоифалари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишни лозим, деб биламан. Хўш, улар қай тарзда белгиланади?

Биринчи гуруҳ ногиронлиги ҳаёт фаолияти чекланиб, мустақил ўрнидан туролмаслик, юролмаслик, ўз хатти-ҳаракатини назорат қилолмаслик, ўзгалар ёрдамига муҳтож шахсларга нисбатан қўлланилади. Иккинчи гуруҳ ногиронлиги эса касаллик туфайли ишлолмаслик ёки ҳар қандай меҳнат касалликнинг оғирлашувига ва оғир асоратларга олиб келиш хавфи туғилганда, оғир сурункали касаллик, таянч-ҳаракат аъзоларидаги қўшма етишмовчилик ва бошқа оғир ҳолатларда жорий этилади. Лекин «Б» тоифадаги ногиронлар махсус яратилган шароитларда ишларини давом эттиришлари мумкин. Учинчи гуруҳ ногиронлиги ақлий ва жисмоний етишмовчилик туфайли ўз касбини давом эттиролмаслик, ишлаб-чиқариш ҳажмини қисқартириш тақазо этилган ҳолларда берилади. Бу тоифадаги кишилар соғлигига мос ишларда меҳнат фаолиятларини давом эттиришлари мумкин.

Кези келганда яна бир нарса тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Баъзан «менинг касаллигим бор, лекин ногиронликка ўтказишмади», деган шикоятлар қулоққа чалиниб қолади. Аввало, тиббий меҳнат экспертиза комиссиясида ўз ишининг мутахассислари ишлашади ва улар томонидан ногиронлик сабаблари пухта, атрофлича ўрганиб чиқилганидан кейингина маълум хулосага келинади. Қолаверса, ногиронлик нафақаси давлат бюджетидан ажратилишини унутмаслик керак. Демак, у гўдак ҳақи каби дахлсиздир. Унга асоссиз кўз олайтириш гуноҳи азим.

**Ж.ОБИДОВ тайёрлади.**

## Касаба уюшма ҳаёти

# БЕКАТЛАРДА ШИФОКОРЛИК ШОХОБЧАСИ

**Тошкент метрополитени касаба уюшма қўмитаси иш тажрибасидан**

Метрополитенда 1999 йил учун жамоа шартномасини тузиш юзасидан йиғилиш бўлди. Касаба уюшма қўмитасининг раиси Собир Азимов ҳали сиёҳи қуримаган жамоа шартномасини кўрсатди. Уни тузишда нималарга кўпроқ эътибор қаратилганини сўрадик.

— Биринчи галда 1998 йил якунига, — деб жавоб берди суҳбатдошим. — Жамоа шартномасининг ҳар банди қандай бажарилганига талабчанлик билан ёндошсак, меҳнаткашларда ҳам шунга қараб муносабат пайдо бўлади. Йил якуни юзасидан оммада қониқиш пайдо бўлади, фаоллик ошади.

Касабақўм раиси 1998 йил шартномасининг бажарилишига оид далолатномани узатди. Маълум бўлишича, режада белгиланганига нисбатан 0,22 миллион йўловчи кўп ташилган, барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар ошириб бажарилган. Ишловчиларнинг бандлиги ва касби бўйича фойдаланишга эришилган. Йил давомида 193 киши метрополитен техника ўқуви курсларида ва якка тартибда ўқиб малакасини оширган.

Маъмурият томонидан иш тартибига тўла амал қилинаяпти. Касаба уюшма қўмитаси иш ҳақининг ўз вақтида берилишини мунтазам назорат остига олган.

Жамоа шартномасидаги «Жамоани ижтимоий ривожлантириш, соғлиқни муҳофаза қилиш, ижтимоий имтиёзлар» бўлимининг тўла бажарилгани маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг ҳозирги замон талаби бўлган шерикчилик тамойилларига алоҳида эътибор бераётганини кўрсатиб турибди.

Бир йил учун белгиланган жамоа шартномасида меҳнаткашлар учун қатор имтиёзлар, қулайликлар белгиланган. Чунончи, зарарли иш шароитида ишловчиларга ҳафтасига 36 соатдан ошмаган иш куни белгиланган. Ишчи-хизматчилар узлуксиз меҳнат стажлари учун олти иш кунигача қўшимча таътил оладилар. Тунги навбатда ишловчиларнинг маошларига 50 фоиз қўшимча ҳақ тўланади.

Жамоа шартномасидаги яна бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Маошлар ойининг 19-21 ва кейинги ойининг 4-6 кунларида берилиши белгиланган. Бу анъана бир неча йилдан бери жамоа шартномаси бандига киритилмоқда ва касаба уюшма қўмитаси унинг ижросига эришмоқда. Байрам кунлари ишлаган ходимларга икки баробар миқдорда пул тўлаш йўлга қўйилган.

Бозор шароитлари ҳисобга олиниб, қўшимча иш учун ҳақ тўлаш юзасидан бандлар белгиланган. Ишчи-хизматчи бир неча касб ишини қилса, вақтинча ишга келмаган ходим ўрнига ҳам ишласа, асосий иш жойи тариф ставкаси ҳисобидан 50 фоизгача миқдорда устама тўланади. Жамоа шартномасида мажбуран бўшаган ходимларни бошқа хизматларга тайёрлаш учун қайта ўқитиш бепул бўлиши таъкидланган.

Метрополитенда узлуксиз 15 йилдан кўп ишлаган ходимлар, пенсионерлар, фахрийлар, кўп болали оналар дам олиш уйлари, санаторийлар, профилакторийлар ва болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар олиш ҳуқуқига эга.

Жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси масалаларига кенг ўрин ажратилган. Чунончи, меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси учун бир миллион етти юз етмиш минг сўм ажратилган. Ишчи-хизматчиларни махсус иш кийимлари ва якка ҳимоя воситалари билан тўла таъминлаш қатъий қилиб қўйилган.

Касабақўм ҳужжатлари орасидаги баённомани ўқиб чиқиб, касаба уюшма қўмитаси ва маъмуриятнинг ишчи-хизматчилар соғлиғига қандай ғамхўрлик қилаётганига ҳавасимиз келди. Хизмат соҳаларида касаллик варақалари таҳлил этиб борилади. Ўша жойда ишловчиларнинг меҳнат ва маиший шароитига эътибор қаратилади. Тез-тез ва узоқ вақт бетоб бўлиб турувчилар алоҳида рўйхатга олинади. Сўнг уларни соғломлаштириш тадбирлари белгиланиб, шифохона ҳамда бошқа даволаниш муассасаларига жўнатилади. Ҳаракат хизмати ходими Г.Прохорова сурункали бетоб бўлиб қолди. У соғлиқни сақлаш муассасаларида даволанишга юборилди. Бир қадар шифо топгач, шифокорлар сув ҳавзасида машқ қилиб даволанишни тавсия этишди. Унга касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан сув спорти саройига йўлланма берилди. Бир неча йил даволанган аёл, кейинги вақтда бирон марта ишдан қолмади.

Метрополитенда ишчи-хизматчилар соғлиғини муҳофаза қилиш, касб касалликларининг олдини олиш йўлида ҳам кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Метрополитеннинг йирик бекатларида шифокорлик шохобчалари ташкил қилинган. Машинистлар ҳар навбатдан олдин тиббий назоратдан ўтишади. Бу касб эгаларининг иши доимо қоронғу ва захкжойларда бўлганлиги сабабли организм зўриқади. Касб касаллиги рўй бермаслиги учун профилактик тадбирлар белгиланган. Биринчи навбатда эрта соат 5 да иш бошлайдиганларга нонушта ташкил этилади.

Бу ерда спорт, жисмоний тарбияга ҳам эътибор катта. Футбол, волейбол, теннис, шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича спартакиадалар ўтказиш анъана тусига кирган.

1999 йил Аёллар йили деб эълон қилиниши муносабати билан касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият томонидан алоҳида тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ олимлар, шифокорлар, зиёлилар билан учрашувлар, турли кечалар ўтказиш кўзда тутилган. Йил давомида аёллар учун оилани режалаштириш, соғлом авлод ўстириш ва бошқа мавзуларда суҳбатлар уюштирилади.

Бошқарма, электродепо биноларида аёллар учун «Озодалик хона»лари ташкил этиляпти. Йилнинг ҳар чорагида тиббий-санитария хизмати билан биргаликда касб касалликларининг олдини олиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб бориш мўлжалланган.Бу йил ишчи аёллар учун йил давомида санаторий-профилакторийларга 60 та, «Она ва бола» санаторийсига 15 та йўлланма бериш режалаштирилган. Шунингдек, парҳез овқатланиш учун ҳам талабга қараб талонлар ажратиш мўлжалланмоқда. Кам таъминланган, кўп болали аёлларга моддий ёрдамлар кўрсатилади.

**Будир ПЎЛАТОВ.**

## Муаммо кўндаланг қўйилади

# ШАРТНОМА МАСЪУЛИЯТИНИ УНУТИШДИ

*қарзлар умуман қайтарилмай қолинишида кимлар айбдор?*

***Иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш,ўзаро манфаатли шартномаларнинг бажарилиши, шунга оид низоларни адолатли ва ўз вақтида ҳал этиш хўжалик судлари фаолиятининг асосини ташкил этади. Хўжалик иши моҳияти жиҳатидан ўрганилаётганда бир жиҳат кишида ташвиш уйғотади. Қатор хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги, шартнома мажбуриятларига нисбатан талабчанликнинг йўқлиги корхонани иқтисодий ночорликка олиб келяпти.***

Тўғри, низо моҳияти юзасидан хўжалик суди тегишли қарор қабул қилади. Шартнома шартларини бажаришда лоқайдлик, эътиборсизлик қилаётган мансабдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил мартдаги Фармони асосида чоралар қўлланилади. Баъзан жиноий иш қўзғатилади. Бироқ, иқтисодга етказилган салмоқли зарар қачон, қандай қопланади? Саволга жавоб излаб ўйингнинг тубига етолмайсан.

Масъул корхоналар томонидан тузиладиган кредит-пул маблағларидан фойдаланиш ва уни камайтириш шартномалари бошқа шартномалардан тубдан фарқ қилади. Бунда кредит берувчи масъул корхона раҳбари ҳуқуқи фақат пул маблағини қарз олувчига бериш ва уни вақтида қайтаришни талаб қилиш билан чекланмайди. Айни пайтда унинг маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланаётганлигини, қарз олувчининг тўловчанлик қобилиятини ўрганиб боришга ҳам ҳаққи бор.

Лозим топганда шартномани муддатидан олдин бекор қилиши, муддат тугамай қарз маблағларининг қайтарилишини талаб қилиши ҳам мумкин. Бу ҳақ-ҳуқуқлар, албатта, масъул корхона раҳбарларининг, мансабдор, моддий жавобгар шахсларнинг топширилган ишга, кредит-пул маблағларидан фойдаланиш, шартнома шартлари бажарилишига нисбатан масъулиятини, жавобгарлигини янада оширади. Амалда эса биз ўзгача ҳолатларнинг гувоҳи бўлаяпмиз.

Сентябр ойида 3 та моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин хўжалик иши очиқ суд мажлисида даъвогар — вилоят ҳокимлигининг меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасида кўрилиб ҳал этилди. Унда жавобгар сифатида «Ғиждувонконсерва» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, республика кўрлар жамияти, Бухоро ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда Бухоро шаҳар «Гўзал» тикув-атторлик жамоа корхоналари иштирок этдилар.

Даъвогар талаби уччала ишда ҳам битта. Корхоналар жамоалари томонидан олинган кредит белгиланган муддатда камайтирилмаганлиги учун кредит маблағни, унинг устамаларини, тўлов кечиктирилган кунлар учун жарима (пеня)си билан қайтариб олиш, ундириш.

Республика кўрлар жамияти Бухоро ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда вилоят ҳокимлиги меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ўртасида тузилган шартномага асосан 1997 йил 29 январда 6 миллион 500 минг сўмлик маблағ 15 фоиз йиллик устамаси билан қарз олувчининг ҳисоб рақамига тушган.

Шартномага мувофиқ қарзни қайтариш 12 ойдан кечикмаслиги, тўлов куни кечикса, 0,2 фоиз жарима ундирилиши кўрсатиб ўтилган. Иш кўрилган муддатга қадар шартнома шартлари умуман бажарилмаган.

Худди шундай ҳолатни 1996 йил сентябрда 9-сонли кредит шартномаси асосида 2 миллион сўм маблағни 30 фоиз йиллик устама билан «Гўзал» тикув-атторлик жамоа корхонаси ҳамда 1996 йил майда 6-сонли кредит шартномасига мувофиқ 1 миллион сўм маблағни 40 фоиз йиллик устама билан олган «Ғиждувонконсерва» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қайд қилинган учала корхона ҳам бугунги кунда молиявий жиҳатдан оғир аҳволда. Улар қарз ва тўловларини эркин амалга ошириш имконига эга эмаслар. Ҳисоб рақамларида эркин пул маблағлар йўқ.

Қарздор жамоалар пул маблағи эвазига ўзларининг бозор талабларига жавоб бера олмайдиган маҳсулот ва моддий бойликларини таклиф этмоқдалар. Агар худди шундай йўл тутилганда ҳам маҳсулот қачон пул шаклига келади? Олинган миллион-миллион сўм қачон қопланади? Бу ҳолатнинг ўзи иқтисодимиз негизига путур етказиш эмасми?

Хўш, олинган маблағларни пул билан қайтармаслик ёки умуман қайтарилмай қолишида кимлар айбдор?! Фақат кредит-қарз олган ташкилотлармиёки?..

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунлари ҳамда Ўзбекистон иқдисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз шартнома тизими етарли даражада ишламаётганлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатдан бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар шартнома мажбуриятларини бажариш масъулиятини чуқур ҳис этмаяптилар. Истиқболсиз корхона ва ташкилотларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да қўллаб-қувватлашдек хато фаолиятдан воз кеча олмаяпмиз. Вилоят ҳокимлиги меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасида фаолиятни юқорида таъкидланган Фармон кўрсатмалари асосида ташкил этилган, деб бўлмайди. Меҳнат бошқармаси шартномаси тузиш ва ижро қилишнинг ҳуқуқий асосларидан талаб даражасида фойдаланилганда, балки бу ҳолат рўй бермасди. Корхоналарнинг иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолиши ва улар тузган шартномаларнинг бажарилиши учун нафақат раҳбар ходимлар, балки мансабдор, моддий жавобгар шахсларнинг ҳам топширилган ишга масъулиятини ошириш муҳимлигини унутмаслик лозим.

Ривожланиб бораётган бозор муносабатлари жараёнида мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бунга эришиш учун нафақат алоҳида корхона, хўжаликлар балки умумжамият манфаатларидан келиб чиқиб иш юритиш талаб этилади. Шундай экан, бу йўлда суд, прокуратура идоралари ходимлари билан бир қаторда ижро органларида хизмат қиладиган мутасаддилар, раҳбар, мансабдор шахслар, ҳар бир ишчи-хизматчи фидойилик намуналарини кўрсатишлари лозим.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**Бухоро вилоят хўжалик суди судьяси**

# OLAMDA NIMA GAP

**Б О Н Н. Венгрия маъмурлари 26 нафар неонацистларни мамлакатдан чиқариб юборди. Уларнинг асосий қисмини германиялик ёшлар ташкил этади.**

**ГФР ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари маълумотларига қараганда, немис неонацистлари ўзларининг венгриялик ва австриялик ҳамфикрлари билан биргаликда «СС қўшинлари хотира марши» йиғилишини ўтказиш учун Будапештга келган. Венгрия полицияси ушбу йиғилишнинг 34 нафар иштирокчисини қўлга олди. Хорижлик қатнашчилар мамлакатдан чиқариб юборилди. Шунингдек, улардан неонацистлик ғояларини тарғиб қилувчи катта миқдордаги ҳар хил адабиётлар тортиб олинган.**



*Тожмаҳал...*

* * *

Л О Н Д О Н. Буюк Британия ҳукумати мамлакат фуқаролари ва компанияларининг Косоводаги қарама-қаршиликларга аралашишни кўзловчи экстремистик гуруҳларни тайёрлаш ва қуроллантиришга ёрдам кўрсатишини тақиқлашини маълум қилди. Бундан кўзланган мақсад британияликларнинг дунёнинг «ўтли нуқталари»га жалб қилинишига йўл қўймасликдир. Ушбу тартибни бузганлар 14 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Буюк Британия ташқи ишлар давлат вазири Тони Ллойд Лондон маъмурияти Эфиопия ва Эритреяга қурол етказиб беришга ҳам тақиқ жорий этилганини маълум қилди.

* * *

**Б О Н Н. Германия мудофаа вазирлиги НАТОнинг Норвегияда бўлиб ўтадиган «Бэттл Гриффин» қишки ҳарбий машқларида иштирок этиш учун 4500 ҳарбий хизматчи жўнатади.**

**Хабарларга қараганда, ушбу машқларда НАТОга аъзо саккиз давлатдан 20 мингга яқин ҳарбий хизматчи қатнашади. Шунингдек, унда 45 та кема, 75 та самолёт ва 7000 та ҳарбий машина иштирок этади.**

/ЎзА/

## Ижтимоий ҳимоя

# НОГИРОНЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

Ғаллаорол туманидаги «Музбулоқ» ширкат хўжалиги жамоаси ҳар йили 1600 гектар майдонга ғалла экиб юқори ҳосил кўтаришга эришмоқдалар. Ғаллакорларнинг агротехника қоидаларига доимо эътибор бераётганлиги, ишчиларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириб борилаётганлиги туфайли ана шу ютуққа эришилмоқда. Музбулоқликлар бу йил ҳам суғориладиган ерлардан гектарига 50 центнерга етказиб ҳосил олиш орзусида ғаллага ишлов беряптилар.

Хўжалик маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси уруш ва меҳнат ногиронларини, ёлғиз қарияларни, кам таъминланган оилаларни хўжалик даромади ҳисобига ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Бунинг учун маъмурият билан касаба уюшманинг ўзаро ҳамкорликда тузган махсус дастурлари бор. Дастурда ногиронларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш ўз ифодасини топган.

— Хўжалигимиз ҳудудида 4 нафар уруш ногирони, 4 нафар кўзи ожиз киши, 7 нафар боқувчисини йўқотган кишилар, 20 га яқин ҳар хил ёрдамга муҳтож кишилар яшашади,—дейди хўжалик раҳбари Ғайбулла Абдужалилов. — Уларга керагича ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдамиз. Ғалла режасини бажаргач, ҳар бир оила аъзоси ҳисобига 50 килограммдан ғалла тарқатдик. Жумладан, Ғайбулла Хўжамқуловлар оиласи 650 килограмм, Хидирбой Исломовлар оиласи 600 килограммдан буғдой олишган эди.

Дастурга кўра хўжалигимизда яшовчи 17 нафар ногирон чорваси учун ҳар бирига 2 тоннадан бепул ҳашак тарқатдик. Ногирони бор оилаларга 150 килограммдан бепул ғалла бердик.

Бу ғамхўрликдан ногиронлар ҳам, ёрдамга муҳтожлар ҳам, хўжалик меҳнаткашлари ҳам бирдай мамнун бўлишяпти.

## Шарҳ

# ЎЖОЛАН МОЖАРОСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Кейинги вақтларда Грецияда вақтинчалик бошпана топган Курд ишчилар партияси /КИП/ раҳбари Абдуллоҳ Ўжолан феврал ойининг бошларида Кенияга йўл олган эди. Бироқ, унинг Туркия махсус хизмати ходимларидан қочиб юриши ушбу мамлакатда поёнига етди. 16 феврал куни эрталаб Ўжолан Туркияга келтирилди.**

Туркия бош вазири Бюлент Эжевит журналистлар билан учрашувда шу ҳақда маълум қилар экан, Ўжоланни қўлга олиш ва Туркияга келтириш тадбири ўта махфий шароитда амалга оширилганини айтди. Унинг таъкидлашича, ушбу махфий тадбирни амалга ошириш ҳақида бор-йўғи ўн киши хабардор бўлган. Махфий тадбир Туркия Бош қўмондонлиги ҳамда Миллий разведка ташкилоти ҳамкорлигида ниҳоясига етказилган.

Ўжолан можароси ўн беш йил олдин бошланган бўлса ҳам, ўтган йилнинг сентябр ойидан халқаро жанжалларга сабаб бўла бошлади. Ўшанда КИП йўлбошчиси Сурияда яшириниб юрган эди. Бундан хабар топган Туркия ҳукумати Суриядан Ўжоланни топширишни талаб қилди. Акс ҳолда Туркия маъмурияти Сурияни террорчиларни қўллаб-қувватлаётганликда айблаб, унга нисбатан ҳарбий ҳаракатлар бошлашини маълум қилди. Сурия Ўжоланни мамлакатдан чиқариб юборишга мажбур бўлди. Бир неча кундан сўнг эса, Ўжолан Италияда пайдо бўлди. Лекин у бу мамлакатда ҳам узоқ қололмади. Шундан кейин Ўжолан гоҳ у мамлакат, гоҳ бошқа давлатда юрганмиш, деган хабарлар тез-тез матбуот саҳифаларида кўрина бошлади. Сўнгги кунларда эса террорчи билан боғлиқ можаролар Греция тупроғига кўчган эди.

Туркия билан Греция ўртасидаги муносабатларда шундоқ ҳам мураккабликлар мавжуд бўлиб турган бир шароитда Греция Ўжоланга сиёсий бошпана бера олмаслиги маълум эди. Шу боис террорчилар раҳнамоси Кенияга жўнатилди.

Шу кеча-кундузда Грециянинг Европа мамлакатларидаги деярли барча элчихоналари қаршисида курд муҳожирларининг норозилик намойиши бўлиб ўтмоқда. Ҳатто, намойишчилар айрим элчихона биноларига бостириб кирган. Улар Греция ҳукуматини ўз йўлбошчиларини Туркияга беришда айбламоқда. Энди эса намойишчилар Туркия ҳукуматидан Ўжалонни озод қилишни талаб қилмоқда.

Умуман, Ўжолан можароси ҳақида гап борганда, бу воқеа қарама-қарши фикрларга сабаб бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Айримлар Ўжоланни Курд ҳалқининг мустақиллиги учун курашчи, деб ҳисобласа, бошқалар, айниқса, Туркия ҳукумати уни «террорчилар йўлбошчиси», деб атайди. Ўжолан раҳнамолик қиладиган КИПнинг қўпорувчилик ҳаракатлари учун бир неча йил илгари Германия ҳам уни жиноятчи, деб эълон қилган, АҚШ маъмурияти эса Курд ишчилар партиясини террорчи ташкилотлар рўйхатига киритган эди.

КИП Туркия ҳудудида «мустақил Курдистон» давлатини тузиш учун 1984 йилдан буён кураш олиб бормоқда. Бироқ улар ўз мақсадларига муросаю мадора билан эмас, балки портлатиш, террорчилик, аҳоли ўртасида қўрқув уйғотиш йўли билан эришишга интилмоқдалар. КИП жангарилари томонидан сўнгги 15 йилда тахминан 17 мингга яқин жиноий хуруж содир этилган, натижада 30 мингдан зиёдроқ одам ҳаётдан бевақт кўз юмди. Энг ачинарлиси шундаки, қурбонлар орасида ҳарбий хизматчи ва жангарилардан ташқари, тинч аҳоли ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Террор учун лозим бўлган маблағ эса яна бир жиноий йўл - наркотик моддалар савдосидан топилмоқда. Туркия махсус хизмати маълумотларига қараганда, КИП йилига 35-40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги гиёҳванд моддани Европа бозорларига олиб чиқар экан. Ўжоланнинг хорижий банклардаги шахсий ҳисоб рақамида бир миллиард доллардан ошиқроқ маблағи бор ва бу пуллар асосан террорчиликни авж олдириш учун ишлатилмоқда. Шунингдек, КИПнинг ҳисобидаги жами маблағ эса ўн миллард доллардан ортиқ экани маълум қилинган.

Тарихдан маълумки, террорчилик ҳаракатлари ҳар доим ва ҳар қандай мамлакатда кескин қораланган, шу жумладан Туркияда ҳам. Шу боис Туркия бош вазири Курд ишчи партияси жангариларини қуролларни топшириш ва ҳукуматга таслим бўлишга чақирар экан, уларга қарата: «Сиз боши берк кўчадасизлар ва бошқа йўл йўқ», дея таъкидлади. Бу гаплар нафақат КИП жангариларига, балки барча террорчиларга тегишлидир.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

